

**Туман ҳокимининг 2018 йил 9
сентябрдаги 1906-Қ-сонли
қарорига 3-илова**

**Пахтачи тумани ҳокимлиги Девонхона бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил

22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарорига мувофиқ туман ҳокимлиги Девонхона бўлимининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Девонхона бўлими ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва бошқа қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашининг ва вилоят ва туман ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Девонхона бўлими ўз фаолиятини ҳокимнинг раҳбарлигида амалга оширади.

4. Девонхона бўлими ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимлигининг тегишли хизматлари, шунингдек тумандаги қорхона, ташкилот ва муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари

5. Девонхона бўлимининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

Ҳокимнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунида ва бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларида белгиланган ваколатларининг амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ иш юритиш ва архив ишларини ташкил этишни таъминлаш, келиб тушадиган хат-хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, тақсимлаш ва мансублигига кўра юборишни, чиқувчи хат-хабарларни қабул қилиш ва жўнатишни ташкил

қилиш;

хоким ёрдамчиси ва туман ҳокимлигининг мутахассислари билан биргаликда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқишни ташкил қилиш;

махфийлик режимини ва давлат сирлари ҳисобланадиган маълумотларни ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирларни ҳимоя қилишни таъминлаш.

Девонхона бўлими қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

6. Девонхона бўлими ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, расмийлаштириш, кўпайтиришни ва шу жумладан электрон почта орқали жўнатишни таъминлаш;

махфий ва хизмат доирасида фойдаланиш учун ҳамда ҳукумат телеграммаларини расмийлаштириш, ижросини таъминлашга, ижрочиларга тўғри ва белгиланган тартиб асосида етказиш ҳамда сақлаш;

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши ҳамда ҳужжатларнинг рўйхатга олиниши, юритилиши ва сақланиши учун жавоб беради.

Девонхона бўлими мудир ва ходимлари ўз вазифалари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

IV. Бўлимнинг тузилмаси

8. Девонхона бўлимининг тузилмаси 1 нафар девонхона мудир, 1 нафар 2-тоифали мутахассисдан иборат бўлади.

Девонхона бўлимининг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарори билан белгиланган.

9. Ишлар бошқарувчиси ва унинг ходимлари вилоят ҳокимининг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

V. Девонхона бўлимининг фаолиятини ташкил этиш

10. Девонхона бўлимининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияга, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига Вазирлар Маҳкамасининг

қарор, фармойиш ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, ҳоким ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимликнинг ярим йиллик иш режалари асосида ташкил этилади.

тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ иш юритиш ва архив ишларини ташкил этишни таъминлайди, келиб тушадиган хат-хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, тақсимлаш ва мансублигига кўра юборишни, чиқувчи хат-хабарларни қабул қилиш ва жўнатишни ташкил қилади;

халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, расмийлаштириш, кўпайтиришни ва шу жумладан электрон почта орқали жўнатишни таъминлайди;

ҳокимнинг ёрдамчиси ва туман ҳокимлиги мутахассислари билан биргаликда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқишни ташкил қилади;

махфийлик режимини ва давлат сирлари ҳисобланадиган маълумотларни ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирларни ҳимоя қилишни таъминлайди.

Девонхона бўлими тўғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

11. Бўлим ўз фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланадиган функционал вазифаларига мувофиқ амалга оширади.